

ФОРС КЎРФАЗИНИНГ ЭРОН ВА АРАБ ДАВЛАТЛАРИ МИНТАҚАСИДАГИ АҲАМИЯТИ

Каримов Элёр Рафиқ ўғли.

*Тошкент давлат шарқишунослик университети
мустақил тадқиқодчиси*

АНОТАЦИЯ

XX-асрнинг иккинчи ярмига келиб, Эрон билан араб давлатлари муносабатлари ўртасидаги низолар, яқин шарқдаги сиёсий вазият, ушбу субрегион давлатларида вужудга келган давлатларни табиати, уларнинг ташқи сиёсий йўналишлари шунингдек ижтимоий иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишлари ва ушбу гуруҳ мамлакатларида содир бўлаётган эвалютсион жараёнлар халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Калит сўзлар: БАА, ССАГПЗ, АРОМСО, Панабизм

ABSTRACT

By the second half of the 20th century, the conflicts between Iran and the Arab states, the political situation in the Middle East, the nature of the states that emerged in this subregion, their foreign policy directions, as well as the main directions of socio-economic development and the evolutionary processes taking place in this group of countries have aroused great interest in the international community.

Key words: БАА, ССАГПЗ, АРОМСО, Панабизм

КИРИШ

Мазкур тезис форс кўрфазининг Эрон ва араб давлатлари муносабатларида тутган ўрни ҳамда унинг дунёдаги аҳамияти шу билан бирга ушбу даврда минтақавий кураш, форс кўрфази минтасидаги давлатларни жаҳон майдонида тутган ўрнини таҳлил қилишга бағишланган. Шунингдек яқин шарқдаги давлатлар жумладан Эрон билан Саудия Арабистони ва Ироқ каби давлатлар орасидаги можороларни тадқиқ қилиш, ўрганиш, мазкур давлатлар ўртасидаги халқаро курашга ҳам алоҳида этибор берилган. Шунингдек Ушбу тезисда яқин шарқда юзага келган зиддиятлар ва уларни хал этишга қўлланилган чоралар ҳам кўриб чиқилади.

Бинобарин биринчи навбатда Форс кўрфази зонасининг жаҳон иқтисодиётида йоқилғи энергетика билан таъминлаш учун стратегик аҳамияти билан изоҳланади, чунки мазкур ҳудуд углеводород энергияси ресурсларининг улкан омборини ифодалайди. Демак тасдиқланган нефт захираларининг 64.9 %

ва табиий газнинг тахминан 30% шу ерда жойлашган. Бундан ташқари углеводород ресурсларининг хусусан газнинг ҳақиқий ҳажмлари номаълум. Ушбу субрегионда жойлашган мамлакатларнинг ерости бойликлари етарлича ўрганилмаган. Деярли ҳар йили янги конлар, шу жумладан тижорат ҳажми ҳақида ҳисоботлар пайдо бўлади. Кўрфаз омили нафақат глобал энергетика сиёсатига балки яқин ўрта шарқдаги умуман ислом оламидаги вазиятни ривожланишига ҳам реал таъсир кўрсатади ва шимол ва жануб ўқи бўйича мулоқатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.¹

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Форс кўрфази давлатларидан Саудия Арабистонига келсак, у дунёвий ва диний куч тизимлари бирлашган ёки бир бири билан ҳамбарчас боғланган кичик давлатлар гуруҳининг бир қисмидир. 1992-йилда қабул қилинган асосий конституциявий нормаларни белгилаб берувчи “давлат ҳокимияти тизимининг асослари” конституция эмас. Ушбу ҳужжатнинг биринчи моддасида шундай дейилган “Саудия Арабистони подшолиги” Суверен араб давлатидир. Унинг дини ислом, Конституцияси эса Аллоҳ таолонинг китоби ва Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳу вассалламнинг суннатларидир.

Демак Саудия подшолиги ислом нафақат давлат дини, балки давлатнинг асосий қонуни бўлиб, ижтимоий ва давлат тузуми асосларини белгилаб берувчи қонун ҳисобланади. Демак мазкур давлатда яни Саудия Арабистони қирролиги ва бошқа форс кўрфази монархиялари ўртасидаги фарқ “бошқарув тизими асослари” ислом динини амалда қўллаб ўни таълаб қилади ва бошқа динни тарқалишини амалда ман этади.

Халқаро муносабатлар соҳасида нуфузли америкалик экспертлар З. Бжезениский, Р. Мерфи каби таниқли АҚШнинг давлат арбоблари мазкур минтақа ҳақида шундай ёзадилар Форс кўрфази Қўшма штатлар учун аҳамияти равшан бўлган кам сонли минтақалардан биридир. Чунки кўрфаздан нефт ер ости бойлигини қазиб олиниши дунёнинг иқтисодий фаровонлиги белгилаб беради. Ушбу ҳудуд араб Исроил муносабатлари ва диний экстримизмдан тортиб терроризм ва ядровий қуролларни тарқатмаслик масалаларига энг тўғридан тўғри таъсир қилади.

Ричард Никсондан бошлаб ҳар бир президенти форс кўрфазининг ҳавсизлиги ва барқарорлиги Вашингтон учун тажаввузкор ташқи сиёсат докторинасига мувофиқ Форс кўрфазини ва унинг Атлантикадаги иттифоқчилари учун алоҳида манфаатли зона деб эълон қилди.

¹ И.А. Аликсандров “Монархии персидского залива” Москва 2000

Икки кутбли дунёнинг парчаланиши давом этаётган бир шароитда Қўшма штатларнинг Форс кўрфазида ўзининг сўзсиз ҳукмронлигини таъминлаш мажбурияти унинг Ироқ ва Эрондаги номақбул режимларни паралелл тарзда ушлаб туришга қаратилган сиёсати ва ҳаракатларида яққол намоён бўлади, шу билан бирга Кўрфаз ҳамкорлик кенгашининг олти аъзоси билан кўп қиррали алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлайди. Монархиялар Саудия Арабистони қирролиги, Қувайт, Уммон Қатар ва Баҳрайн республикаларидир. Мазкур давлатлар орасида Саудия Арабистони қирролигига келадиган бўлсак бу монархия иттифоқнинг сўссиз раҳбаридир. Монархиялар саноатлашган мамлакатлардан маҳсулот ва илғор технологияларни импорт қилувчи капитал қўйилмалари учун фойдали бозордир. Ўткан ўн йиллар давомида араб монархиялари кўп жихатдан мисли қўрилмаган тарихий сакрашни амалга оширди.²

Форс кўрфазининг минтақадаги ҳолатга келадиган бўлсак мазкур субрегион минтақадаги режимларнинг ўзи ҳам табиатан беқарор улар нафақат ички ва ташқи омиллар таъсирида ривожлани, ушбу ҳудудда субминтақавий хавсизлик муоммоси янги мазмун касб этди. Форс кўрфазининг 1970-1988-йиллардаги хавсизлик ҳолатини таҳлил қилганда шуни ёдда тутиш керакки, ушбу тарихий даврда халқаро муносабатларнинг икки кутбли тузилиши мавжуд эди. Кичик давлатлар одатда кутблар орасида манёвр қилиш учун жой қолдирган биполяр тизимга мослашган. Гарчи ҳар бир аниқ ҳолатда манёвр тегишли омиллар тўплами билан чекланган бўлсада, асосий танлов хали ҳам мавжуд эди.

Форс кўрфази давлатларидан Араб олтиталигига келадиган бўлсак унинг ресурс хомашё мажмуаси ўз кўлами бўйича ягона, дунёнинг ҳеч минтақасида тенгсиздир. Мазкур давлатлар орасида Саудия Арабистони сўзсиз етакчи бўлиб, ўз овозини ССАГПЗ³ доирасида ҳам араблараро исломий ишларда ҳам таъсирчан қилади. Саудия нефт доллори халқаро сиёсатда самарали восита бўлиб хизмат қилади. Қувайтнинг нефт бойлиги нафақат унга катта бойлик келтирди, балки бу фойда Ироқнинг босқинига олиб келди, бу эса амирликни нефт мажмуаси устидан назорат ўрнатишга мажбур бўлди.

Углеводород ресурслари Абу Даби ва Дубайнинг БАА федерал давлат доирасидаги етакчи ўринларни олдиндан белгилаб берган. Шунингдек Қатарнинг дунёдаги энг йирик табиий газ конини ўзлаштирилиши келажак

²И.А. Аликсандров “Монархии песидского залива” москва 2000

³ ССАГПЗ- яқин шарқдаги араб давлатларининг форс кўрфази араб давлатлар кенгаши номли халқаро ташкилот унинг вазифаси-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни ривожлантириш

учун иқтисодий барқарорлик захрасини яратди. Уммон султонлиги ҳам ўз келажагини газ саноатига боғлайдиганга ўхшайди.

Шу билан бирга тахлидда углеводородлар қайта тикланмайдиган иссиқлик ва энергия манбаълари эгаллигини ҳисобга олиш муҳимдир. Шунинг учун ССАГПЗ мамлакатлари нефти газ комплексининг ҳақиқий самарадорлиги маълум тарихий чегаралар билан чекланган.

Бундан ташқари форс кўрфази зонасининг жаҳон иқтисодиётини йўқилғи энергетика билан таъминлашдаги стратегик аҳамияти билан боғлиқ. Бундан ташқари ушбу ҳудуд қўшма штатлар учун аҳамияти аниқ бўлган кам сонли минтақалардан биридир. Араб олтилиги мамлакатлари 1960-1970-йиллар охирида, ўша пайтдаги Британия бош вазири Гарри Уилсон Лондоннинг сиёсатини қайти кўриб чиқиш доирасида Британиянинг қайта кўриб чиқиш доирасида Британиянинг ҳарбий иштирокини тугатиш мақсад қилиб қўйганида 1960-1970-йилларга тўқнаш келган эди.

Россиялик тадқиқотчи С.А.Каминский бежис таъкидлаганидек араб шарқи мамлакатлари монархия институтини қонунийлаштириш Европадаги шунга ўхшаш жараён билан солиштирганда муҳим хусусиятларга эга бўлиб улардан асосийсини у араб мамлакатларида конституциявий ҳужжатларнинг киритилиши ва шунга мос равишда характердан ташқари монархия ҳокимиятининг қонунийлаштирилишида кўради.⁴

Мустақиллик ёки кенгайтирилган давлат аппарати фаолиятини тартибга солиш заруриятининг оқибати, унинг пайдо бўлиш “иқтисодий фаровонлик” давлатнинг иқтисодий функциясининг кенгайиши билан боғлиқ бўлса, Европада конституцияларнинг қабул қилиниши феодализмни мустаҳкамлаш ва сиқиб чиқаришнинг кетма кет босқичларини акс эттиради.

Шунинг билан бирга мазкур ҳудуднинг иқтисодиёти ҳақида гап кетганда нефт омили жаҳон иқтисодиёти тарихидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб беради. Жумладан 1970-йилларнинг биринчи ярмида ОПЕК доирасида араб давлатлари биргаликда ҳаракат қилиб ҳар бир алоҳида мамлакатнинг ўзига хос шароитлари ҳисобга олган ҳолда, форс кўрфази монархиялари ўзларининг нефт манфаатлари учун муваффақиятли курашдилар, асосан ишлаб чиқариш устидан назоратни таъминлашга этибор қаратдилар. Консессия шартномаларини қайта кўриб чиқиш ва кейинчалик уларни бекор қилиш бўйича амалий ҳаракатлар бекор қилиш бўйича амалий ҳаракатлар Ироқ Жазоир ва Ливиядаги миллийлаштириш ҳаракатлари каби сиёсий жихатдан таъсирчан бўлмаслиги мумкин, аммо улар иқтисодий жихатдан жуда самарали бўлиб чиқди.

⁴ И.А. Аликсандров “Монархии персидского залива” москва 2000 31-141-бетлар

Нефт ишлаб чиқарувчилари ва ғарб монополиялари ўртасида имтиёзли шартларни қайта кўриб чиқиш бўйича чуқур музокаралар 1972-йил январ ойида Женевада бошланди. Амалий жihatдан мулоқат, Саудия Арабистони нефт вазири Ахмад Заки Ямани ва АРОМСО⁵ вакиллари ўртасида бўлиб ўтди. Саудия Арабистонининг дастлабки таклифи нефт ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг иштироки тегишли харажатларни қоплаш билан 25% дан 50% гача ошириш эди. 1972-йил декабр ойида Саудия Арабистони, Катар ва Абу Дабби томонидан ратификация қилинган бош келишув имзоланди. Мазкур ҳужжатга кўра, нефт ишлаб чиқарувчиларга дархол ишлаб чиқаришнинг 25% улуш берилди, кейинчалик 1978, 1979 ва 1980-йилларда йиллик ўсиш 5% ни 1982-йилда 6% ташкил этган. Бу давлатнинг углеводород ресурсларини бошқаришдаги устуворлигини босқичма босқич белгилашга қаратилган эди.

Бироқ сиёсий воқеалар бу жараёнга аралашиб, нефт қазиб олувчи малакатларнинг муносабатини радикаллаштирди. Араб Исроил уруши ва ундан кейинги “Нефт буми” таъсирида панабизм⁶нинг кучи ўсиши фонида Саудия Арабистони 1974-йилда капитал улушини 51% гача кейинги йили эса 60% гача оширди. Саудия Арабистони қирролигининг сезиарли даражада кенгайган ваколатлари унга нефт саноатининг Саудия назорати остига ўтиши учун Америка монополиялари учун мақбул бўлган имтиёзли молиявий шартларини таклиф қилиш имконини берди. 1980-йилда қирролик чиқарган АРАМСО акцияларининг бутун блокининг мутлоқ эгасига айланди, бу эса мулкнинг қийматидан ошиб кетишига олиб келди. 1974-йилда Қувайт ҳукумати Қувайт нефт компаниясининг нефт қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватининг 60% ни давлат мулкига ўтказишни таъминлади. Шу билан бирга “Аминойл”⁷ акцияларининг 85% ни сотиб олди.

“Араб олтилиги” пойтахтлари Қўшма штатлар ва Буюк Британияни ҳукмрон сулолаларнинг ташқи тайанчи сифатида кўришда давом этдилар, уларнинг заифлашиши ўрнатилган монархик режимлар учун узок давом этадиган оқибатларга олиб келишир мумкин эди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки биз яқин шарқда жойлашган форс кўрфазининг Эрон билан Араб давлатлари муносабатлардаги дағи ўрнини кўриб чиқдик. Шу билан бирга мазкур ҳудуднинг табиати, ташқи сиёсатини синчковлик билан таҳлил қилиб ўрганилди. Эрон ва Саудия Арабистони

⁵ АРОМСО-Араб Америка нефт компанияси ҳозирда компания номи Saudi Aramco

⁶ Панабизм-барча араб давлатларини бирлаштириш

⁷ Аминойл-компаниянинг номи

ўртасидаги муносабат жараёнида Араб олтиталигининг ўрни ва ахамияти шу билан бирга мазкур мавзуни тадқиқ қилган изланувчи олимларнинг адабиётларига таянганган ҳолда атрофлича кўриб чиқдик. Жумладан Араб олтиталиги давлатларида мавжуд бўлган кўплаб нефт компаниялари ўртасида нефт қазиб олиш ва уни ишлаб чиқариш бўйича музокаралар бошланди. Бунинг натижасида халқаро шартномалар имзоланди. Бундан ташқари мазкур кўрфазнинг жаҳон ҳамжиятида тутган ўрни ва унинг иқтисодий салоҳияти айниқса нефт омили синчковлик билан тадқиқ этилди. Шубҳа йўқки сиёсатчилар фикрича ер юзининг мазкур ҳудуди жаҳонда мавжуд бўлган диний экстремизмдан тортиб ядро қуролини тарқатмасликни олдини олишга таъсир кўрсатади. Шунингдек дунёнинг иқтисодиётини айниқса ғарб давлатларини иқтисодиётини хусусан Американинг гуллаб яшнашига хисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1) И.А. Аликсандров “Монархии персидского залива” москва 2000
- 2) Тельман Саттаров “Персидский залив: нефть и экономическое развитие ” Ташкент 2003
- 3) Зайдуллаева.Л.С.Камилова М.Х. “Экономика Арабский стран” 2-қисм Ташкент 2006
- 4) Абдусаттаров А.А.Форс кўрфази араб давлатлари ташқи сиёсатида “Ислом омилининг сиёсий тахлили диссер автореферати. ТошДШИ 2005